

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

М.Ашуров, И.Мирмахмудов, Ш.Сапаев

ЗАМОНАВИЙ ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ

Фанидан лаборатория ишлари

ТОШКЕНТ -2008

Ушбу методик қўлланмада педагогика университетининг «математика-информатика» ихтисослигида ўқитиладиган «Замонавий дастурлаш тиллари» фанидан (**Delphi** дастурлаш тили) лаборатория машғулотларини ўтказиш ёритилган.

Қўлланма педагогика университети, педагогика институти ва академик лицей талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан Delphi дастурлаш тилига қизиқувчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу методик қўлланма Низомий номидаги ТДПУ илмий кенгашининг 2008 йил _____ № _____ сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Маллифлар:	катта ўқитувчи	М.Ашуров
	катта ўқитувчи	И.Мирмахмудов
	ўқитувчи	Ш.Сапаев

Такризчилар:	Тошкент темир йўллари муҳандислик институти	
	доценти	А.Расульмухаммедов
	Тошкент Давлат педагогика университети	
	катта ўқитувчиси	А.Примкулова

Масъул муҳаррир: ф.м.ф.н доц. Р.Р.Боқиев

Муҳаррир: А.Миразизов

Кириш

Янги информацион - коммуникацион технологияларни яратилиши, ҳар хил операцион тизими учун иловалар яратиш ва ҳаётимизга уларни тадбиқ этилиши ривожланиб бормоқда. Уларни тадбиқ этувчилар тушуниб, тўлиқ фойдаланиши ва янгиларни яратиш учун дастурлаш тилларини билишлари зарур бўлиб қолмоқда.

Компьютердан самарали фойдаланиш, фақатгина фойдаланувчилар эмас, балки масалаларни компьютерда ечимини оладиган ва янги тизим яратувчи дастурчилар жуда зарурдир.

Компьютерда мураккаб масалаларни еча олишни ўқувчиларга ўргатадиган мутахассисларни олий ўқув юртлари тайёрлайдилар. Шу мақсадда педагогика университетларининг «математика – информатика» ихтисослиги ишчи режасига 76(30 соат маъруза, 20 соат амалий машғулоти, 26 соат лаборатория) соатлик «Замонавий дастурлаш тиллари» фани киритилган.

Бу фанда жуда қизиқарли ва катта аҳамиятга эга, визуал компонентлар кутубхонасига эга бўлган **Delphi** тили ўрганилади. Бу тил дастурчиларга таниш бўлган **Object Pascal** тили асосида ишлайдиган қатъий типлаштирилган объектли – мўлжалланган тилдир.

Delphi дастурлаш муҳитида талабалар дастур яратиш кўникмаларини шакллантириш учун даставвал уларни дастурлаш тилининг ишчи муҳити, асосий ойналари, инструментал тугмалар, компонентлар палитраси, форма ойнаси, объектларнинг «дарахтсимон» кўриниш ойнаси, объектлар инспектори ойнаси, дастур коди ойнаси, компонентлар хоссаларининг динамик ва статик ўзгартириш каби тушунчалар билан маърузаларда танишадилар.

Шунингдек талабалар амалий-лаборатория машғулотларида масалаларга дастур ёзиб, компьютерда натижа олиш ва уларни таҳлил қилиш малакаларига эга бўладилар.

Мазкур методик қўлланмада талабаларнинг маърузада олган билимларини мустаҳкамлаш учун 13 та лаборатория иши келтирилган. Ҳар бир мавзу учун лаборатория ишининг мақсади ва вазифалари тушунтирилиб, шу мавзуга доир масалага дастур ёзилган, натижа таҳлил қилинган. Мустақил ишлаш учун вазифалар берилган.

1-лаборатория иши

Мавзу: Delphi дастурлаш мухитига кириш.


Мақсад: Delphi дастурлаш мухити элементлари билан танишиш (асосий ойна, объектлар шажараси ойнаси, объектлар инспектори ойнаси, код браузер ойнаси, дастур коди ойнаси каби тушунчаларни ўрганиш)

Воситалар: Delphi дастурлаш тили ўрнатилган компьютерлар.


Машғулотнинг бориши.

Назарий материалларга таянган ҳолда Delphi дастурлаш мухити билан танишиш учун қуйидаги кўрсатмаларни бажаринг:

1.Компьютерга дастурлаш мухитини юкланг, бунинг учун қуйидаги кетма-кетликдаги амалларни бажаринг: «Пуск→Все программы→Borland Delphi 7→Delphi 7» ва дастурлаш мухитининг асосий ойналари билан танишинг.




Буйруқлар менюси



2. Асосий ойна ёрдамида яратилаётган дастур лойиҳасини бошқаришнинг зарурий функциялари бажарилади. Унинг хоссалари билан танишинг:

- Ҳамиша экраннинг юқори қисмида жойлашади;
- Уни экран бўйича «ёйиш» амали унинг андозаларини ўзгартира олмайди;
- «Свернуть» амали муҳитнинг барча ойналари ёпиш, «Заккрыть» амали дастурдан чиқиш имкониятини беради;
- Бу ойнада инструментал тугмалар, компонентлар палитраси ва менюлар (ички менюлар) жойлашган;

3. Инструментал тугмаларнинг стандарт кўриниши ва уни ностандарт кўринишга келтириш (Standard, View, Debug, Custom, Desktops, Internet гуруҳлари билан танишиш). Бунинг учун асосий менюда курсорни жойлаштириб, контекстли менюни чақириб ва ундаги ҳолатларни ўзгартириб асосий ойнадаги инструментлар панелини кузатинг.



4. Инструментлар панелидан айрим гуруҳларни ўчириш ёки тиклаш амалини бажариб кўринг.

5. Customize бандидан ихтиёрий категориядан ихтиёрий 5-та буйруқ пиктограммасини Separator билан ажратган ҳолда инструментлар панелига жойлаштиринг.

6. Дастурлаш муҳитининг ойналари билан ишлаш. Delphi'нинг 5-версиясидан бошлаб, дастурчи ўзи учун қулай бўлган ойналарни керакли бўлган ўлчамлар билан экранга жойлаштиради ва бу ҳолатни у Desktops гуруҳи элементлари ёрдамида бажара олади (Бажариб кузатинг).

7. Компонентлар палитраси ойнаси билан танишиш. Палитра устида ўнг тугма ёрдамида контекстли меню очинг ва Properties (Хоссалар) буйруғи билан танишинг, аммо ҳозирча бирор компонентларни ўчирманг, фақат айрим бандлар (компонентлар гуруҳини) ўрнини олиб ўтиш йўли билан алмаштиришингиз мумкин.

8. Форма ойнаси билан танишиш. Бу ойнадаги бошқарувчи тугмалар, унинг дастлабки кадамларда бўшлиги, сарлавҳалар катори ва чегара чизиқлари ҳамда кўринишига эътибор беринг. Ишчи соҳадаги нуқталар зичлиги камайтиринг (ёки катталаштиринг), нуқталарни кўринмас холга келтиринг. Бунинг учун, Tools менюсининг Environment options гуруҳининг Designer банди буйруқлари билан ишлаб кўринг.

9. Объектлар шажараси ойнаси билан танишиш. Формага бир неча компонент жойлаштиринг. Сичқонча тугмасини босиш йўли билан (бир ва икки маротаба) юзага келган ҳолатларни кузатинг ва хулосалар чиқаринг.

10. Объектлар инспектори ойнаси билан танишиш. Формада бир неча компонент жойлаштиринг ва кетма-кет ҳар бир компонент хоссаларини мазкур ойнада кузатинг ва имкон борича айрим хоссалар параметрларини ўзгартириб кўринг ва керакли хулосалар чиқаринг. Масалан, объектнинг номи, ўлчамлари, ранги, ундаги ёзув параметрларини ўзгартиринг, шунингдек объектлар инспектори ойнаси учун контекстли меню очинг ва Arrange→ By Category буйруқлари ёрдамида категориялар бўйича тартибланган хоссалар ва ҳодисалар рўйхатини ҳосил қилинг.

11. Дастур коди ойнаси билан танишиш. Бу ойна яратилаётган дастур матнини киритиш ва таҳрирлаш учун мўлжалланган. Бу ойнани очган заҳоти у қуйидаги кўринишда бўлади:

```
unit Unit1;
```

```
interface
```

```
uses
```

```
Windows, Messages, SysUtils, Variants, Classes, Graphics, Controls, Forms,  
Dialogs, StdCtrls;
```

```
Type TForm1 = class(TForm)
```

```
Label1: TLabel; Button1: TButton;
```

```
private
```

```
{ Private declarations }
```

```
public
```

```
{ Public declarations }
```

```
end;
```

```
var
```

```
Form1: TForm1;
```

```
implementation
```

```
{ $R *.dfm }
```


```
end.
```

Дастурнинг юқори қисмини Delphiнинг ўзи бошқаради ва биз ҳозирча бу қисмга ўзгартиришлар кирита олмаймиз, керакли буйруқларни эса { \$R *.dfm } ва end қаторлари орасига жойлаштирамиз. Дастур коди ойнаси билан биргаликда код браузерини ойнаси ҳам фаоллашади ва бу ойна кўп кодлар қатори терилганда керакли элементни тез қидириб топишга ёрдамлашади. Шунингдек, қуйи қисмида жойлашган Diagram ёрлиғи компонентларнинг ўзаро боғланиши диаграммасини беради ва бу компонентлар билан ишлашни осонлаштириш имкониятини беради.

12.Қўшимча материал. Standard бандининг компонентларини формага жойлаштириш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш.

- frame компоненти- бошқа компонентларни учун контейнер вазифасини бажаради
- яратилган фреймдан зарур ҳолларда формага жойлаштириш учун ишлатилади
- frame1, frame2 каби номлар билан номланади

Фрейм қўйидагича яратилади(file→New→Frame). Яратилган фреймга бир неча компонентни жойлаштиринг. Бу ишни бир неча фрейм учун такрорлаб, янги форма яратинг ва кўрсатилган ҳолатдагидек кўриниш яратинг.



Мустақил ишлаш учун вазифалар.

1. Формага ишлов бериш учун Delphi ойналаридан иборат ойналар конфигурациясини уларнинг ҳолати ва андозаларини ҳисобга олган ҳолда яратинг ва мос номлар билан сақлаб қўйинг.
2. Объектлар инспектори ёрдамида формага жойлаштирилган 5 компонентнинг содда ва таркибий хоссаларини аниқланг.
3. Объектлар инспекторига мос келувчи контекстли менюнинг Stay on Top ва Arrange→ By Category буйруқларининг вазифаларини аниқланг.
4. Формага 5 та ихтиёрий компонентни жойлаштиринг. Уларнинг хоссаларни ўзгартиринг. F9 тугмаси ёрдамида компиляция, компоновка ва бажарилиш жараёнини кузатиб иш столида яратилган «Birinchí» жилдга алоҳида ном билан модул файли ва лойиҳа файллари сақланг. Ҳосил бўлган EXE- файлни топинг ва ишга тушириб хулоса чиқаринг.
5. Ишчи соҳадаги нуқталар зичлиги камайтиринг (катталаштиринг), ёки нуқталарни кўринмас ҳолга келтиринг.
6. Ном беришда лотин ва кирилл алифбосидан, “бўшлиқ”, сатр ости чизиғидан, рақамлардан турли комбинациялар орқали фойдаланиб, (масалан: периметр, 1as, As1, 767, _er, rad_ay_45) ном беришдаги қоидаларни аниқланг.

$$7. \quad v = \frac{1 + \sin^2(x + y)}{\left| x - \frac{2y}{1 + x^2 y^2} \right|} x^{|y|} + \cos^2\left(\arctg \frac{1}{z}\right). \text{-функція кийматини ҳисоблаш}$$

учун формани жихозланг.

8. Учбурчакка ички ва ташқи чизилган айланалар радиусларини ҳисобловчи дастур учун формани жихозанг ва бунда форма ҳамда компонентлар хоссаларидан фойдаланинг.
9. Формага label1 компонентини жойлаштиринг. Унда «МЕН ва DELPHI» ёзувини акс эттириб, статик хоссаларни белгиланг. Button1 компоненти орқали хоссаларни динамик ҳолатда ўзгартиринг.

Вазифаларни гуруҳ талабалари орасида тақсимланиши:

Талаба (№)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Вазифа номери	1, 5	3, 6	2, 7	4, 8	6, 9	1, 8	2, 9	4, 9	7, 3	5, 6	2, 8	1, 9	3, 5	4, 7	5, 6

2-лаборатория иши

Мавзу: Delphi дастурлаш мухитида чизикли дастурлар тузиш.

Мақсад: Delphi дастурлаш мухити компонентлар палитрасининг Standard, Additional, win32, System каби бандларида жойлашган керакли компонентлар билан танишиш ва содда дастурлар яратиб натижа олиш.

Воситалар: Delphi дастурлаш тили ўрнатилган компьютерлар.

Машғулотнинг бориши.

1. Назарий материаллар билан танишиш.

а) бутун типлар ва улар билан бажариладиган амаллар:

+ қўшиш амали;

- айириш амали;

* кўпайтириш амали;

Div амалида бўлиш пайтида қолдиқ ташлаб юборилади;

Mod амалида бўлиш пайтидаги қолдиқни аниқлаш;

б) математик функциялар ва StrToFloat, FloatoStr, inttostr, strtoint функцияларидан фойдаланиш йўллари билан танишиш;

2. Қуйидаги ифода қийматини ҳисобловчи дастур яратиш ва натижа олиш.

Масала: x , y , z нинг ўзгарувчиларнинг берилган қийматларида арифметик ифоданинг қийматини ҳисобловчи дастур тузинг.

$$u = tg^2(x + y) - e^{y-z} \sqrt{\cos x^2 + \sin z^2}$$

Назарий материалларга таянган ҳолда юқоридаги ифодани қисмларга ажартиб оралиқ катталиклар ёрдамида қийматини ҳисоблашга ўтамиз ва бунда математик функцияларнинг Delphiда ифодаланишига эътибор берамиз;
 $tg^2(x+y) \rightarrow a := Sqr(\sin(x+y)/\cos(x+y));$

$e^{y-z} \rightarrow \text{Exp}(y-z); \sqrt{\cos x^2 + \sin z^2} \rightarrow c := Sqrt(\cos(Sqr(x)) + \sin(Sqr(z)))$;

Бунинг учун формага 3-та Edit, 1-та Button, 1-Memo компонентларини ўрнатамиз. Форма учун қуйидаги процедураларни белгилаймиз.

```
procedure TForm1.FormCreate(Sender: TObject);
```

```
begin
```

```
  Edit1.Text:='3,4'; // X нинг қиймати
```

```
  Edit2.Text:='0,74'; // Y нинг қиймати
```

```
  Edit3.Text:='19,43'; // Z нинг қиймати
```

```
  Memo1.Clear; // Memo1 редактор ойнасини тозалаш
```

```
  Memo1.Lines.Add('Амалий машғулот');
```

```
end;
```

Button компоненти учун қуйидаги процедурани белгилаймиз.

```
procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
```

```
var x,y,z,a,b,c,u : extended;
```

```
begin
```

```
  x:=StrToFloat(Edit1.Text); // X нинг қиймати ўзлаштирилади
```

```
  Memo1.Lines.Add(' X = '+Edit1.Text); // X ни Memo1да чиқариш
```

```
  y:=StrToFloat(Edit2.Text); // Y нинг қиймати ўзлаштирилади
```

```
  Memo1.Lines.Add(' Y = '+Edit2.Text); // Y ни Memo1да чиқариш
```

```
  z:=StrToFloat(Edit3.Text); // Z нинг қиймати ўзлаштирилади
```

```

Memo1.Lines.Add(' Z = '+Edit3.Text); // Z ни Memo1да чиқариш
// Арифметик ифодани киритиш
a:=Sqr(Sin(x+y)/Cos(x+y));
c:=Sqrt(Cos(Sqr(x))+Sin(Sqr(z)));
u:=a-b*c;
// Memo1 ойнасига натижани чиқарамиз
Memo1.Lines.Add(' Натижа U = '+FloatToStrF(u,ffixed,8,3));
end;end.
Олинадиган натижа:

```

Мустақил ишлаш учун вазифалар.

Берилган функция қийматини аргументларнинг кўрсатилган қийматларида ҳисоблаш дастурини тузинг.

$$1. \quad t = \frac{2 \cos\left(x - \frac{\pi}{6}\right)}{0.5 + \sin^2 y} \left(1 + \frac{z^2}{3 - z^2/5}\right).$$

$$x=14.26, y=-1.22, z=3.5 \times 10^{-2}$$

$$2. \quad u = \frac{\sqrt[3]{8 + |x - y|^2 + 1}}{x^2 + y^2 + 2} - e^{|x-y|} (tg^2 z + 1)^x.$$

$$x=-4.5, y=0.75 \times 10^{-4}, z=0.845 \times 10^2$$

$$3. \quad v = \frac{1 + \sin^2(x + y)}{\left|x - \frac{2y}{1 + x^2 y^2}\right|} x^{|y|} + \cos^2\left(\arctg \frac{1}{z}\right).$$

$$x=3.74 \times 10^{-2}, y=-0.825, z=0.16 \times 10^2$$

$$4. \quad w = |\cos x - \cos y|^{(1+2 \sin^2 y)} \left(1 + z + \frac{z^2}{2} + \frac{z^3}{3} + \frac{z^4}{4}\right).$$

$$x=0.4 \times 10^4, y=-0.875, z=-0.475 \times 10^{-3}$$

$$5. \quad \alpha = \ln\left(y^{-\sqrt{|x|}}\right) \left(x - \frac{y}{2}\right) + \sin^2 \arctg(z).$$

$$x=-15.246, y=4.642 \times 10^{-2}, z=20.001 \times 10^2$$

$$6. \beta = \sqrt{10(\sqrt[3]{x} + x^{y+2})}(\arcsin^2 z - |x - y|).$$

$$x=16.55 \times 10^{-3}, y=-2.75, z=0.15$$

$$7. \gamma = 5 \arctg(x) - \frac{1}{4} \arccos(x) \frac{x + 3|x - y| + x^2}{|x - y|z + x^2}.$$

$$x=0.1722, y=6.33, z=3.25 \times 10^{-4}$$

$$8. \varphi = \frac{e^{|x-y|}|x-y|^{x+y}}{\arctg(x) + \arctg(z)} + \sqrt[3]{x^6 + \ln^2 y}.$$

$$x=-2.235 \times 10^{-2}, y=2.23, z=15.221$$

$$9. \psi = \left| x^{\frac{y}{x}} - \sqrt[3]{\frac{y}{x}} \right| + (y - x) \frac{\cos y - \frac{z}{(y-x)}}{1 + (y-x)^2}.$$

$$x=1.825 \times 10^2, y=18.225, z=-3.298 \times 10^{-2}$$

$$10. a = 2^{-x} \sqrt{x + 4\sqrt{|y|}} \sqrt[3]{e^{x-1/\sin z}}.$$

$$x=3.981 \times 10^{-2}, y=-1.625 \times 10^3, z=0.512$$

$$11. b = y^{\sqrt[3]{|x|}} + \cos^3(y) \frac{|x-y| \left(1 + \frac{\sin^2 z}{\sqrt{x+y}} \right)}{e^{|x-y|} + \frac{x}{2}}.$$

$$x=6.251, y=0.827, z=25.001$$

$$12. c = 2^{(y^x)} + (3^x)^y - \frac{y \left(\arctgz - \frac{\pi}{6} \right)}{|x| + \frac{1}{y^2 + 1}}.$$

$$x=3.251, y=0.325, z=0.466$$

$$13. f = \frac{\sqrt[4]{y + \sqrt[3]{x-1}}}{|x-y|(\sin^2 z + \tg z)}.$$

$$x=17.421, y=10.365 \times 10^{-3}, z=0.828 \times 10^5$$

$$14. \quad g = \frac{y^{x+1}}{\sqrt[3]{|y-2|} + 3} + \frac{x + \frac{y}{2}}{2|x+y|} (x+1)^{-1/\sin z}$$

$$x=12.3 \times 10^{-1}, y=15.4, z=0.252 \times 10^3$$

$$15. \quad h = \frac{x^{y+1} + e^{y-1}}{1+x|y-tgz|} (1+|y-x|) + \frac{|y-x|^2}{2} - \frac{|y-x|^3}{3}$$

$$x=2.444, y=0.869 \times 10^{-2}, z=-0.13 \times 10^3$$

$$16. \quad \gamma = 5 \arctg(x) - \frac{1}{4} \arccos(x) \frac{x+3|x-y|+x^2}{|x-y|z+x^2}.$$

$$x=0.1722, y=6.33, z=3.25 \times 10^{-4}$$

$$17. \quad S = \left| x^{y/x} - \sqrt{\frac{y}{x}} \right|; W = (y-x) \frac{y - \frac{z}{y-x}}{1 + (y-x)^2}$$

$$x=1.82, y=18, z=-3.29$$

$$18. \quad S = 1 + x + \frac{x^2}{2!} + \frac{x^3}{3!} + \frac{x^4}{4!}; W = x(\sin x + \cos y)$$

$$x=0.33, y=0.02$$

$$19. \quad Y = e^{bt} \sin(at+b) - \sqrt{|bt+a|}; S = b \sin(at^2 \cos(at)) - 1$$

$$a=0.5, b=1.7, t=0.44$$

$$20. \quad S = x^3 \tg^2((x+b)^2) + \frac{a}{\sqrt{x+b}}; G = \frac{bx^2 - a}{e^{ax} - 1}$$

$$a=16.5, b=3.4, x=0.61$$

$$21. \quad F = \ln(a+x^2) + \sin^2(x/b); Z = e^{-ax} \frac{x + \sqrt{x+a}}{x - \ln(|x-b|)}$$

$$a=10.2, x=2.2, b=9.2$$

$$22. \quad Y = btg^2 x - \frac{a}{\sin^2(x/a)}; D = ae^{\sqrt{a}} \cos(bx/a)$$

$$a=3.2, b=17.5, x=-4.8$$

$$23. \quad Y = \sin^3((x^2+a)^2) - \sqrt{\frac{x}{b}}; Z = \frac{x^2}{a} + \cos((x+b)^3)$$

$$a=1.1, b=0.004, x=0.2$$

$$24. \quad V = \frac{x^2(x+1)}{b} - \sin^2(x+a); S = \sqrt{\frac{xb}{a}} + \cos((x^2+b)^3)$$

$a=0.7, b=0.005, x=0.5$

$$25. \quad Y = \frac{a^{2x} + b^{-x} \cos((a+b)x)}{x+1}; R = \sqrt{x^2+b} - b^2 \sin(x+a)/a$$

$a=0.3, b=0.9, x=0.61$

$$26. \quad Z = \sqrt{ax \sin(2x) + e^{-2x}(x+b)}; W = \cos^2(x^3) - x/\sqrt{a^2+b^2}$$

$a=0.5, b=3.1, x=1.4$

$$27. \quad S = xctg^2(x-a) + \frac{b}{\sqrt{x+b}}; W = \frac{bx-a}{e^{a-x}-1}$$

$a=16.5, b=3.4, x=0.61$

$$28. \quad U = \frac{a^2x + e^{-x} \cos(bx)}{bx - e^{-x} \sin(bx) + 1}; F = e^{2x} \ln(a+x) - b^{3x} \ln(b-x)$$

$a=0.5, b=2.9, x=0.3$

$$29. \quad A = \frac{2 \cos(x - \frac{\pi}{b})}{1/2 + \sin^2(y)}; B = 1 + \frac{z^2}{3 + z^2/5}$$

$x=1.42, y=-1.27, z=3.5$

30.

$$S = e^{-ax} \sqrt{x+1} + e^{-bx} \sqrt{x+1.5}; Z = \frac{\sin x}{\sqrt{1+m^2 \sin^2 x}} - cm \ln(mx)$$

$m=0.7, c=2.1, x=1.7, a=0.5$

Вазифаларни гуруҳ талабалари орасида тақсимланиши:

Талаба (№)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Вазифа номери	1 20	2 19	3 18	4 17	5 16	6 15	7 14	8 21	9 22	10 23	11 24	12 25	13 26	14 27	15 28
Талаба (№)	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
Вазифа номери	16 29	17 30	18 8	19 13	20 6	21 7	22 5	23 4	24 3	25 2	26 1	27 9	28 10	29 11	30 12

3-лаборатория иши

Мавзу: Delphi дастурлаш мухитида тармоқланувчи жараёнларни бошқариш.

Мақсад: Delphi дастурлаш мухитида тармоқланиш операторлари билан танишиш, дастур таҳлилини ўтказиш, керакли компонентларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

Воситалар: Delphi дастурлаш тили ўрнатилган компьютерлар.

Машғулотнинг бориши.

1. Назарий материал билан танишиш.

Маълум бир шартни бажарилиши ёки бажарилмаслигига қараб, тармоқланувчи жараён ҳолатлари аниқланади. Тармоқланувчи жараёнларни ҳисоблаш учун шартли оператордан фойдаланилади. Шартли оператори икки хил кўринишда бўлади:

- тўлиқ шартли оператор;
- чала шартли оператор.

Тўлиқ шартли оператор куйидаги формада ёзилади:

if <мантикий ифода> *then* <оператор> *else* <оператор>

бу ерда *if* (агар), *then* (у ҳолда), *else* (акс ҳолда) хизматчи сўзлар.

Шундай қилиб, тўлиқ шартли операторни куйидагича ёзиш мумкин:

if S *then* S1 *else* S2;

бу ерда S - мантикий ифода;

S1 – S мантикий ифода рост қиймат қабул қилганда ишловчи оператор;

S2 -S мантикий ифода ёлғон қиймат қабул қилганда ишловчи оператор.

Шартли операторнинг бажарилиши унда ёзилган S1 ёки S2 операторларидан бирини бажарилишига олиб келади, яъни агар S мантикий ифода бажарилишидан сўнг *true* (рост) қиймати ҳосил бўлса S1 оператори, акс ҳолда эса S2 оператори бажарилади.

Тўлиқ шартли операторга доир мисоллар:

- *if* a=2 *then* d:=x+2 *else* d:=x-2;
- *if* (x<y) and (z>5) *then begin* y:=x * sin(x);
t:=x * cos(x) *end else begin* y:=0; t:=1 *end*;
- *if* x<0 or x=3 *then* y:=x*x+1 *else if* x<2
then y:=sqr(abs(x-1)) *else* y:=x*x;

Чала (тўлиқмас) шартли операторнинг ёзилишини куйидагича ифодаланади:

if S *then* S1;

бу ерда S - мантикий ифода, S1 - оператор.

Агар S ифода қиймати *true* (рост) бўлса S1 оператори бажарилади, акс ҳолда эса бошқариш шартли оператордан кейин ёзилган операторга узатилади.

2. Тайёр тузилган дастурларнинг таҳлили.

1- Топширик: учта x, y, z сон киритинг ва танлаш орақали ушбу функцияларнинг қийматини ҳисобланг: $u = \sin(x)$ ёки $u = \cos(x)$ ёки $u = \tan(x)$ Исталган учта сон орасидан энг каттасини $\max(u, y, z)$ ёки $\max(|u|, |y|, |z|)$ топинг.

```
procedure TForm1.FormCreate(Sender: TObject);
begin
    Edit1.text:='0,1';
    Edit2.text:='0,356';
    Edit3.text:='0';
    Memo1.Clear;
    Memo1.Lines.Add('Натижа.');
```

```
end;

procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
var x,y,z,u,ma:extended;
begin
    // Memo1 ойнасига чиқадиган қийматлар
    x:=StrToFloat(Edit1.Text);
    Memo1.Lines.Add(' x='+Edit1.Text);
    y:=StrToFloat(Edit2.Text);
    Memo1.Lines.Add(' y='+Edit2.Text);
    z:=StrToFloat(Edit3.Text);
    Memo1.Lines.Add(' z='+Edit3.Text);
    // Босилган тугмани текшириш ва кейинги функцияга ўтиш.
    case RadioGroup1.ItemIndex of
        0: u:=cos(x);
        1: u:=sin(x);
        2: u:=sin(x)/cos(x);
    end;
    // CheckBox1 тугмасини ҳолатини текшириш.
    if CheckBox1.Checked then
        begin
            u:=abs(u);
            y:=abs(y);
            z:=abs(z)
        end;
    // Учта сон орасидан энг каттасини топиш
    if u>y then ma:=u else ma:=y;
    if z>ma then ma:=z;
    if CheckBox1.Checked then
        Memo1.Lines.Add('maxabs='+FloatToStrF(ma,ffFixed,8,2))
    else
        Memo1.Lines.Add(' max='+FloatToStrF(ma,ffGeneral,8,2));
end;
end.
```

Мустақил ишлаш учун вазифалар.

(Вазифаларда $F(x)$ -функция талаба томонидан мустақил аниқланади, масалан, $F(x)=\sin x$)

1.
$$a = \begin{cases} (f(x) + y)^2 - \sqrt{f(x)y}, & xy > 0 \\ (f(x) + y)^2 + \sqrt{|f(x)y|}, & xy < 0 \\ (f(x) + y)^2 + 1, & xy = 0. \end{cases}$$
2.
$$b = \begin{cases} \ln(f(x)) + (f(x)^2 + y)^3, & x/y > 0 \\ \ln|f(x)/y| + (f(x) + y)^3, & x/y < 0 \\ (f(x)^2 + y)^3, & x = 0 \\ 0, & y = 0. \end{cases}$$
3.
$$c = \begin{cases} f(x)^2 + y^2 + \sin(y), & x - y = 0 \\ (f(x) - y)^2 + \cos(y), & x - y > 0 \\ (y - f(x))^2 + \operatorname{tg}(y), & x - y < 0. \end{cases}$$
4.
$$d = \begin{cases} (f(x) - y)^3 + \operatorname{arctg}(f(x)), & x > y \\ (y - f(x))^3 + \operatorname{arctg}(f(x)), & y > x \\ (y + f(x))^3 + 0.5, & y = x. \end{cases}$$
5.
$$f = \frac{\sqrt[4]{y + \sqrt[3]{x-1}}}{|x-y|(\sin^2 z + \operatorname{tg} z)}$$
6.
$$S = \begin{cases} \operatorname{ctgt} + 3y, & y \geq 0 \\ \frac{1}{1+t} - y, & y < 0 \end{cases} \quad y = 2e^t \sin t$$
7.
$$y = \begin{cases} \operatorname{Ln}(e^x + 4), & x < 0 \\ \sqrt{2+x}, & 0 \leq x < 3 \\ x^{(x-3)}, & x \geq 3 \end{cases}$$
8.
$$j = \begin{cases} \sin(5f(x) + 3m|f(x)|), & -1 < m < x \\ \cos(3f(x) + 5m|f(x)|), & x > m \\ (f(x) + m)^2, & x = m. \end{cases}$$
9.
$$l = \begin{cases} 2f(x)^3 + 3p^2, & x > |p| \\ |f(x) - p|, & 3 < x < |p| \\ (f(x) - p)^2, & x = |p|. \end{cases}$$
10.
$$k = \begin{cases} \ln(|f(x)| + |q|), & |xq| > 10 \\ e^{f(x)+q}, & |xq| < 10 \\ f(x) + q, & |xq| = 10 \end{cases}$$
11.
$$m = \frac{\max(f(x), y, z)}{\min(f(x), y)} + 5.$$
12.
$$n = \frac{\min(f(x) + y, y - z)}{\max(f(x), y)}.$$
13.
$$p = \frac{|\min(f(x), y) - \max(y, z)|}{2}.$$
14.
$$q = \frac{\max(f(x) + y + z, xyz)}{\min(f(x) + y + z, xyz)}.$$

15. Берилган уч хонали соннинг камида иккита рақами тенг бўлса n -катталиқга l , тенг бўлмаса 0 рақамини га ўзлаштириш дастурини тузинг.

16. a, b, c ва d сонлар орасидан каттасини аниқловчи дастур тузинг.

17. Ихтиёрий учта a, b ва c сонларни камайиш тартибида жойлаштиринг

18. $r = \max(\min(f(x), y), z).$

19. Берилган тенгламалар системаси ечимини аниқловчи дастур

$$\begin{cases} a_1 x + b_1 y = c_1 \\ a_2 x + b_2 y = c_2 \end{cases}$$

тузинг.

20. Тасодуфий яратилган 5 та натурал сонларнинг йиғиндисини жуфт ёки тоқ эканлигини аниқлаш дастурини тузинг.

21. Берилган 3 та сонни ўсиш тартибида жойлаштиринг.

22. Тасодуфий яратилган k натурал сонининг туб сон ёки туб эмаслигини аниқловчи дастур тузинг.

23. $M(x,y)$ нукта $y=kx+b$ тўғри чизиққа тегишли эканлигини аниқланг.

24. $ax+b=0$ тенглама илдизларини аниқланг.

25. Агар 3 та ҳар хил x, y, z бутун сонлар йиғиндиси 1 дан кичик бўлса y ҳолда бу учта сондан энг кичигини қолган иккитасининг ярим йиғиндилари билан алмаштиринг акс ҳолда x ва y лардан кичигини қолган иккитаси ярим йиғиндилари квадрати билан алмаштиринг.

26. 1 дан 99 гача бўлган k бутун сонни ҳисобга олиб “менга k ёш”, деган жумлани экранга чиқаринг.

27. $M(x,y)$ нуктанинг маркази ва радиуси берилган айланага тегишлилигини аниқловчи дастур яратинг.

28. Ой тартиб рақами киритилганда унинг қайси фаслга тегишлилигини аниқловчи дастур яратинг.

29. Берилган жадвал бўйича ишчининг ойлик маоши M -га мос солиқ миқдорини аниқланг.

ҳолатлар	Маош миқдори	солиқ миқдори
1	$15000 \leq M$	3 фоиз
2	$15000 < M < 35000$	8 фоиз
3	$35000 \leq M \leq 105000$	15 фоиз

30. x ва y бутун сонлар. Уларнинг қийматига кўра $M(x,y)$ нуктанинг қайси чоракқа тегишли эканлигини аниқловчи дастур яратинг.

Вазифаларни гуруҳ талабалари орасида тақсимланиши:

Талаба (№)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Вазифа номери	1 20	2 19	3 18	4 17	5 16	6 15	7 14	8 21	9 22	10 23	11 24	12 25	13 26	14 27	15 28
Талаба (№)	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
Вазифа номери	16 29	17 30	18 8	19 13	20 6	21 7	22 5	23 4	24 3	25 2	26 1	27 9	28 10	29 11	30 12

4-лаборатория иши

Мавзу: Delphi дастурлаш мухотида дастурлаш элементлари.

Мақсад: Талабаларни Delphi дастурлаш мухоти ички имкониятлари билан таништириш ва содда дастурлар тузиш орқали уларнинг дастурлаш кўникмаларини шакллантириш, ҳамда strtfloat, floattostrF функцияларидан фойдаланиш йўлларини ўргатиш.

Воситалар: Delphi дастурлаш тили ўрнатилган компьютерлар, тарқатма материаллар.

Машғулотнинг бориши.

1. Form1 лойиҳасида Edit1 ва Label1 компонентларини ўрнатинг. Объектлар инспекторида Edit1 компоненти учун  хоссасини ўрнатинг ва бу компонентлар учун қуйидаги процедураларини яратинг.

```
procedure TForm1.edit1keypress(Sender: TObject; var Key: Char);
begin
  case key of
    '0'..'9',#8:; #13: close; else key:=chr(0);
  end;
end;
```

```
procedure TForm1.FormCreate(Sender: TObject);
begin
  label1.Caption:='har xil belgilarni kirit,raqamlarni ham' ;
end;
end.
```

2. Дастур натижасини кузатинг ва ушбу дастурдан қандай мақсадларда фойдаланишни аниқланг.


3. Дастурни қуйидагича ўзгартиринг ва хулосалар чиқаринг
Лойиҳадаги implementation ва {\$R *.dfm} бандларидан сўнг

```
procedure rr;
var a,b:real;
begin
  if length(form1.Edit1.Text)=0 then
  begin
    showMessage('biror sonni kiriting');
    exit;
  end;
  a:=strtfloat(form1.Edit1.Text);
  b:= a/2006;
  form1.Label2.Caption:=floattostr(b) ;
```

```

form1.Label3.Caption:=floattostrF(b,ffexponent,5,2) ;
form1.Label4.Caption:=floattostrF(b,ffixed,5,2) ;
form1.Label5.Caption:=floattostrF(b,ffnumber,5,2) ;
form1.Label11.Caption:=floattostrF(b,ffCurrency,5,2) ;
form1.Label13.Caption:=floattostrF(b,ffgeneral,5,2) ;
end;
procedure TForm1.edit1keypress(Sender: TObject; var Key: Char);
begin
  case key of
    '0'..'9',#8;: #13: rr; else key:=chr(0);
  end; end;
procedure TForm1.FormCreate(Sender: TObject);
begin
  label1.Caption:='har xil belgilarni kirit,raqamlarni ham' ;
end;
end.

```



Мустақил ишлаш учун вазифалар.

(Барча вазифаларда натижаларни турли форматларда чоп этувчи дастур тузинг.)

1. 5-та ҳақиқий сонни Random функциясидан фойдаланиб яратинг. Бу сонларнинг кубларини ўрта арифметигини ва бу сонларнинг модуллари ўрта геометригини топинг.
2. (X_1, Y_1) ва (X_2, Y_2) координаталарга эга бўлган иккита нуқта орасидаги масофани топинг.
3. Учбурчак учлари (x_1, y_1) , (x_2, y_2) , (x_3, y_3) координаталар билан берилган. Шу учбурчак юзасини ва периметрини топинг.
4. a, b -сонлар берилган. Иккита томони a ва b га, улар орасидаги бурчак эса α га тенг бўлган учбурчак юзасини топинг.
5. a, b, c -ҳақиқий сонлар берилган. Бу сонларнинг ўрта арифметик киймати, суммаси ва кўпайтмасини чоп этувчи дастур тузинг.
6. Тўғрибурчакли учбурчакнинг катетлари берилган бўлса, гипотенузаси ва юзасини ҳисобловчи дастур тузинг.
7. Учбурчак юзасини унинг томонлари берилган бўлса, Герон формуласи бўйича юзасини ҳисобловчи дастур тузинг.

8. Жисмнинг тезланиши доимий бўлса ва дастлабки лаҳзада унинг тезлиги v_0 –тенг бўлса. t вақтдан сўнг унинг босиб ўтган йўлини аниқланг.
9. Н-баландликдан эркин тушиш вақтини аниқловчи дастур тузинг.
10. R-қаршиликга эга ўтказгичдан t -вақтда I -ток кучи ўтганда ажралувчи иссиқлик миқдорини аниқланг.
11. a,b,c –параллелолипед томонлари бўлса, унинг ҳажмини аниқланг.
12. a,b катталикларнинг қийматлари берилган. r-катталиқдан фойдаланиб уларнинг қийматларини алмаштиринг.

13. Ҳисобланг

$$y = \begin{cases} 0, \text{агар } -2 < x < 2 & \text{булса} \\ 4, \text{акс холда} \end{cases}$$

14. Ҳисобланг

$$y = \begin{cases} x^2 + 4x + 5, \text{агар } x < 2 & \text{булса} \\ \frac{41}{x^2 + 4x + 5} & \text{акс холда.} \end{cases} \quad \text{Ҳисобланг}$$

$$y = \begin{cases} 0, \text{агар } x < 0 & \text{булса} \\ x, \text{агар } 0 < x < 1 & \text{булса} \\ x^4, \text{акс холда.} \end{cases}$$

15. Ҳисобланг

$$y = \begin{cases} 0, \text{агар } x < 0 & \text{булса} \\ x^2 - x, \text{агар } 0 < x < 1 & \text{булса} \\ x^4 - \sin(x^2 - 1), \text{акс холда.} \end{cases}$$

16. Ҳисобланг

$$y = \begin{cases} \cos^2 x, \text{агар } 0 < x < 2 & \text{булса} \\ 1 - \sin x^2, \text{акс холда} \end{cases}$$

17. Қуйидаги катталик қийматин ҳисобланг.

$$x = \begin{cases} a + 2/b + 4, \text{агар } a > b & \text{булса} \\ (a + b)^2, \text{агар } a < b \end{cases}$$

бу ерда a,b ва x хақиқий типга мансуб катталиклар

18. Қуйидаги катталик қийматини ҳисобланг.

$$y = \begin{cases} 16,5x + 9x^2 - 1,25x^3, \text{агар } 1 < x < 9 & \text{булса} \\ 0, \text{агар } x < 1 & \text{булса} \\ a - x, \text{агар } x > 9 & \text{булса} \end{cases}$$

бу ерда a,x ва y катталиклар бутун типга мансуб.

19. Z ва Y катталикларнинг қийматларини қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланг.

$$Y = Z/M$$

$$z = \begin{cases} 0.5, & \text{агар } y < 1 \text{ булса} \\ y^2, & \text{агар } y > 1 \end{cases} \quad M = \begin{cases} 1, & \text{агар } x < 1 \text{ булса} \\ x^2, & \text{агар } x > 1 \end{cases}$$

изох: x ва y катталиклар бутун типга мансуб.

20. Қуйидаги катталиқни қийматини ҳисобланг.

21. Қуйидаги катталиқнинг қийматини ҳисобланг.

$$H = \begin{cases} \frac{b}{ax} - 2(ax)^3 + 2\ln|ax|, & \text{агар } |ax| > 1 \text{ булса} \\ (a^2 - x^2)^{1/2} \ln a + \frac{|\ln a|}{(a^2 - x^2 + 1)^{1/2}}, & \text{агар } |ax| < 1 \text{ булса} \end{cases}$$

22. Қуйидаги катталиқнинг қийматини ҳисобланг.

$$y = \begin{cases} 3.5 + 7x - 5.8x^2, & \text{агар } x < 5 \text{ булса} \\ -17.3 + 85x + 13.8x^2, & \text{агар } x = 5 \text{ булса} \\ -18 + 17.85x + x^2, & \text{агар } x > 5. \end{cases}$$

23. Қуйидаги катталиқнинг қийматини ҳисобланг.

$$y = \begin{cases} a + bx + cx^2, & \text{агар } a = -1 \text{ булса} \\ (\sin x)^2, & \text{агар } a = 0 \text{ булса} \\ (a + bx)^{1/2}, & \text{агар } a = 1 \text{ булса} \\ a \ln|x|, & \text{агар } a = 2 \text{ булса} \\ \frac{ax^4}{2} + \frac{bx^2}{2}, & \text{агар } a = 3 \text{ булса} \end{cases}$$

24. Ҳисобланг.

$$y = \begin{cases} a + bx + cx^2, & \text{агар } R = 1 \text{ булса} \\ d + ex + fx^2, & \text{агар } R = 2 \text{ булса} \\ g + hx + ix^2, & \text{агар } R = 3 \text{ булса} \end{cases}$$

25. Ҳисобланг.

$$y = \begin{cases} 1, & \text{агар } n=0 \text{ булса} \\ x, & \text{агар } n=1 \text{ булса} \\ \frac{3}{2}x^2 - \frac{1}{2}, & \text{агар } n=2 \text{ булса} \\ \frac{5}{2}x^3 - \frac{3}{2}x, & \text{агар } n=3 \text{ булса} \end{cases}$$

27. x, y ҳақиқий сонлар берилган. Агар x ва y манфий бўлса, уларни қийматини модуллари билан алмаштиринг. Агар улардан биттаси манфий

бўлса, бу сонларни қийматини 0.5га кўпайтиринг, агар иккала сон ҳам мусбат бўлса, бу сонларнинг қийматини 10 мартага оширинг .

28. Киритилган натурал сонни

а) жуфт сон эканлигини;

б) 3 га бўлинадиган ва 7 га бўлинмайдиган сон эканлигини;

в) тўлик квадрат эканлигини аниқловчи дастур тузинг.

29.Учта сон берилган. Бу сонлар ичида манфий қийматга эга бўлган соннинг рақамларини квадратга кўтариб, йиғиндисидан янги сон ҳосил қилинг. Мусбат сонларни ўзгартиришсиз қолдириг.

30. а, в ва с ихтиёрий сонлар берилган.Агар шундай узунликдаги кемалардан иборат учбурчак яшаш мумкин бўлмаса «0» ни, акс холда «3» ни, агар учбурчак тенг томонли бўлса «2»ни, агарда тенг ёнли бўлса 1 ни чоп этинг.

Вазифаларни гуруҳ талабалари орасида тақсимланиши:

Талаба (№)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Вазифа номери	1, 20	2, 19	3, 18	4, 17	5, 16	6, 15	7, 14	8, 21	9, 22	10, 23	11, 24	12, 25	13, 26	14, 27	15, 28

Талаба (№)	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
Вазифа номери	16, 29	17, 30	18, 8	19, 13	20, 6	21, 7	22, 5	23, 4	24, 3	25, 2	26, 1	27, 9	28, 10	29, 11	30, 12

Дастурлаш оламига кирган шахснинг фикр юритиш доираси бу иш билан шуғулланмаган шахсга кўра нихоят кенгдир...

5-лаборатория иши

Мавзу: Delphi дастурлаш мухитида циклик операторлардан фойдаланиш.

Мақсад: Талабаларни Delphi дастурлаш тилидаги циклик операторлар билан таништириш ва уларнинг дастурлаш кўникмаларини шакллантириш.

Воситалар: Delphi дастурлаш тили ўрнатилган компьютерлар, тарқатма материаллар.

Машгулотнинг бориши:

1. Талабаларни назарий материаллар билан таништириш:



2. А) Repeat <цикл танаси-операторлар кетма-кетлиги>

Until <шарт (логикий ифода)> кўринишдаги цикллار.

Бу ерда < операторлар кетма-кетлиги > бажарилиши лозим бўлган амаллар ёки цикл танасида жойлашаган операторлар мажмуи, <шарт> такрорланиши, бажарилиши ёки тўхтатилишини бошқарувчи шартдан иборат. Бу хил кўринишдаги цикл ҳеч бўлмаганда бир маротаба бажарилади, негаки операторлар кетма-кетлиги шартни текширишдан олдин ёзилган.

1-Мисол.

$$U = \sin 0 + \sin 0,1 + \sin 0,2 + \dots + \sin 1$$

Дастур	Натижа	Таққослаш учун																																							
<pre> Procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject); var x,y:real; begin x:=0; y:=0; repeat y:=y+sin(x); x:=x+0.1; until (x>1); label1.Caption:=floattostr(y); end; end.</pre>		 <table border="1"> <thead> <tr> <th></th> <th>A</th> <th>B</th> </tr> </thead> <tbody> <tr><td>1</td><td>0,1</td><td>0,099833</td></tr> <tr><td>2</td><td>0,2</td><td>0,198669</td></tr> <tr><td>3</td><td>0,3</td><td>0,29552</td></tr> <tr><td>4</td><td>0,4</td><td>0,389418</td></tr> <tr><td>5</td><td>0,5</td><td>0,479426</td></tr> <tr><td>6</td><td>0,6</td><td>0,564642</td></tr> <tr><td>7</td><td>0,7</td><td>0,644218</td></tr> <tr><td>8</td><td>0,8</td><td>0,717356</td></tr> <tr><td>9</td><td>0,9</td><td>0,783327</td></tr> <tr><td>10</td><td>1</td><td>0,841471</td></tr> <tr><td>11</td><td></td><td>5,013881</td></tr> <tr><td>12</td><td></td><td></td></tr> </tbody> </table>		A	B	1	0,1	0,099833	2	0,2	0,198669	3	0,3	0,29552	4	0,4	0,389418	5	0,5	0,479426	6	0,6	0,564642	7	0,7	0,644218	8	0,8	0,717356	9	0,9	0,783327	10	1	0,841471	11		5,013881	12		
	A	B																																							
1	0,1	0,099833																																							
2	0,2	0,198669																																							
3	0,3	0,29552																																							
4	0,4	0,389418																																							
5	0,5	0,479426																																							
6	0,6	0,564642																																							
7	0,7	0,644218																																							
8	0,8	0,717356																																							
9	0,9	0,783327																																							
10	1	0,841471																																							
11		5,013881																																							
12																																									

3. Мустаҳкамлаш учун бериладиган машқлар.


Вазифа: $A=1/2+2/3+3/4+\dots+9/10$

II. While <мантикий ифода (шарт)> do

<оператор – цикл танаси>

кўринишдаги цикл оператори..

Бу ерда мантикий ифода (шарт) қиймати True бўлгунча цикл танасидаги операторлар бажарилади.

Мисол. Ҳисобланг. $U=\sin 0 + \sin 0,1 + \dots + \sin 1$	Дастур натижаси
<pre> procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject); var x,y:real; begin x:=0; y:=0; while (x<=1) do begin y:=y+sin(x); x:=x+0.1; label1.Caption:=label1.Caption+#9+floattostr(y)+#13; end; end; end.</pre>	

1-вазифа	2-вазифа.
Ифода қийматини ҳисобловчи дастур тузинг.	Ифода қийматини ҳисобловчи дастур тузинг.
$u=x/2-x^2/4+x^3/8-x^4/16+\dots-x^{10}/1024;$	$y=1,1+1,01+1,001+\dots+1,000000001$
Ёрдам: (var k,a,x: Integer; y: real; begin k:=-1; y:=0; a:=2;... While a<=1024 do begin y:=(-1)*k*x/a; a:=2*a; k:=(-1)*k; end;)	Ёрдам: var x,y: real; begin y:=0; x:=0,1 while x>1E-9 do begin y:=y+(1+x); x:=x*0,1; end;

III. Параметр орқали бошқариладиган цикллар.

Параметр цикллар For <Цикл параметри>:=<параметр бош қиймати> to <параметр охирги қиймати> do <оператор> кўринишидаги цикл бўлиб, айрим ҳолларда «to» ўрнига «downto» ҳам ишлатилади. Цикл параметрининг қиймати фақат бутун сонлардан иборат ва цикл қадами доимо бирга тенг. Мисол:

Дастур:
<pre>procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject); var i:char; S:string; begin label1.Caption:='for ..to.. holatiga misol----->>> '; for i:='A' to 'Z' do s:=s+i; label1.Caption:=label1.Caption+s+#13; s:="; label2.Caption:='for .. downto... holatiga misol----->>> '; for i:='z' downto 'a' do s:=s+i; label2.Caption:=label2.Caption+s+#13; s:="; label3.Caption:='for .. downto... holatiga misol----->>> '; for i:='я' downto 'а' do s:=s+i; label3.Caption:=label3.Caption+s+#13; end;end.</pre>
Дастурнинг натижаси:
<pre>for ..to.. holatiga misol——>>> ABCDEFGHIJKLMNOPQRSTUVWXYZ for .. downto... holatiga misol——>>> zyxxwutsrqponmlkjihgfedcba for .. downto... holatiga misol——>>> яюэьыъщщчцхфрутсрпонмлкйизжедгвба</pre>

Кўшимча масалалар:

Масала. Label, Мемо ва stringGrd компонентларида, цикл операторлари ёрдамида жадвал кўринишдаги маълумотларни акс эттирувчи ва stringGrd жавдвалида ҳосил бўлган элементни танлаб у билан амаллар бажурувчи дастур тузинг.(ижодий ёндошган ҳолда)

Button1 тугмаси учун яратилган процедура

```
procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
var i,j: byte; y: word;
begin
  label1.Caption:='';
  y:=0; for i:=1 to 10 do
  begin
    y:=y+5;
    for j:=0 to 15 do
      stringgrid1.Cells[i,j]:=inttostr(y*j);
      memo1.Lines.Append(inttostr(y)+' '+ floattostr(sqrt(y)));
      label1.Caption:=label1.Caption+ inttostr(y)+' ';    end;    end;
```

Button2 тугмаси учун яратилган процедура

```
procedure TForm1.Button2Click(Sender: TObject);
var a:string; col,row:word;
begin
  a:=stringgrid1.Cells[stringgrid1.Col,stringgrid1.Row];
  label2.Caption:= a;
end;end.
```

Натижа:

Form1

5 10 15 20 25 30 35 40 45 50

700

Button1

Button2

	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
5	0	10	15	20	25	30	35	40	45	50
10	0	20	30	40	50	60	70	80	90	100
15	0	30	45	60	75	90	105	120	135	150
20	0	40	60	80	100	120	140	160	180	200
25	0	50	75	100	125	150	175	200	225	250
30	0	60	90	120	150	180	210	240	270	300
35	0	70	105	140	175	210	245	280	315	350
40	0	80	120	160	200	240	280	320	360	400
45	0	90	135	180	225	270	315	360	405	450
50	0	100	150	200	250	300	350	400	450	500
55	0	110	165	220	275	330	385	440	495	550
60	0	120	180	240	300	360	420	480	540	600
65	0	130	195	260	325	390	455	520	585	650
70	0	140	210	280	350	420	490	560	630	700

Memo1

5 2.23606797749979
 10 3.16227766016838
 15 3.87298334620742
 20 4.47213595499958
 25 5
 30 5.47722557505166
 35 5.91607978309962
 40 6.32455532033676
 45 6.70820393249937
 50 7.07106781186548

3. Мустахкамлаш учун берладиган дастур ва вазифалар.

```
procedure TForm1.FormCreate(Sender: TObject);
begin
  Edit1.text:='0';
```

```

Edit2.text:='2';
Edit3.text:='5';
Edit4.text:='0,25';
Memo1.Clear;
Memo1.Lines.Add('Натижа. ');
end;

procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
var x1,x2,x,h,a,s:extended;
    N,k,c:integer;
begin
    x1:=StrToFloat(Edit4.Text);
    Memo1.Lines.Add(' x1='+Edit1.Text);
    x2:=StrToFloat(Edit2.Text);
    Memo1.Lines.Add(' x2='+Edit2.Text);
    N:=StrToInt(Edit3.Text);
    Memo1.Lines.Add(' N='+Edit1.Text);
    h:=StrToFloat(Edit4.Text);
    Memo1.Lines.Add(' h='+Edit4.Text);
    c:=-1;    x:=x1;
repeat
    a:=1;    S:=1;
    for k:=1 to N do
        begin
            a:=c*a*x/k;
            s:=s+a;
        end;
    Memo1.Lines.Add(' x='+FloatToStrF(x,ffFixed,6,2)+ ' йиғинди ='
        +FloatToStrF(s,ffFixed,6,2));
    x:=x+h;
until x>x2;
end;
end.

```

Мустақил ишлаш учун вазифалар.

	Ҳисобланг		[a,b]-ораликда функция қийматини берилган қадам билан ҳисобловчи дастур тузинг
1-a	$x - \frac{x^3}{3!} + \dots + (-1)^n \frac{x^{2n+1}}{(2n+1)!}$	1-b	$y = \sin x$ [-π/18;4π], h=15°
2-a	$1 + \frac{x^2}{2!} + \dots + \frac{x^{2n}}{(2n)!}$	2-b	$y = \frac{e^x + e^{-x}}{2}$ [-9;9], h=0.2
3-a	$1 + \frac{\cos \frac{\pi}{4}}{1!} x + \dots + \frac{\cos n \frac{\pi}{4}}{n!} x^n$	3-b	$y = e^{x \cos \frac{\pi}{4}} \cos(x \sin \frac{\pi}{4})$ [-5;19], h=0.5

4-a	$1 - \frac{x^2}{2!} + \dots + (-1)^n \frac{x^{2n}}{(2n)!}$	4-b	$y = \frac{e^x + e^{-x}}{2}$ [-9;9], h=0.2
5-a	$1 + 3x^2 + \dots + \frac{2n+1}{n!} x^{2n}$	5-b	$y = \cos x$ [- $\pi/18$;4 π], h=10°
6-a	$x + \frac{x^3}{3!} + \dots + \frac{x^{2n+1}}{(2n+1)!}$	6-b	$y = (1 + 2x^2)e^{x^2}$ [-5;10], h=0.3
7-a	$\frac{x^3}{3} - \frac{x^5}{15} + \dots + (-1)^{n+1} \frac{x^{2n+1}}{4n^2 - 1}$	7-b	$y = \frac{1+x^2}{2} \operatorname{arctg} x - \frac{x}{2}$ [-9;9], h=0.2
8-a	$1 + \frac{2x}{1!} + \dots + \frac{(2x)^n}{n!}$	8-b	$y = e^{2x}$ [-8;9], h=0.1
9-a	$1 + 2\frac{x}{2} + \dots + \frac{n^2+1}{n!} \left(\frac{x}{2}\right)^n$	9-b	$y = \left(\frac{x^2}{4} + \frac{x}{2} + 1\right) e^{\frac{x}{2}}$ [-1;9], h=0.4
10-a	$x - \frac{x^3}{3} + \dots + (-1)^n \frac{x^{2n+1}}{2n+1}$	10-b	$y = \left(1 - \frac{x^2}{2}\right) \cos x - \frac{x}{2} \sin x$ [-7;7], h=0.25
11-a	$1 - \frac{3}{2}x^2 + \dots + (-1)^n \frac{2n^2+1}{(2n)!} x^{2n}$	11-b	$y = \left(1 - \frac{x^4}{2}\right) \operatorname{tg} x - \frac{x}{2} \sin(x^5 + x)$ [6,10], h=0.1
12-a	$-\frac{(2x)^2}{2} + \frac{(2x)^4}{24} - \dots + (-1)^n \frac{(2x)^{2n}}{(2n)!}$	12-b	$y = 2(\cos^2 x - 1)$ [-9;9], h=0.01
13-a	$\frac{x}{3!} + \frac{4x^2}{5!} + \dots + \frac{n^2}{(2n+1)!} x^n$	13-b	$y = \ln \frac{1}{2 + 2x + x^2}$ [1;9], h=0.25
14-a	$\frac{x^2}{2} - \frac{x^4}{12} + \dots + (-1)^{n+1} \frac{x^{2n}}{2n(2n-1)}$	14-b	$y = \frac{1}{4} \left(\frac{x+1}{\sqrt{x}} \operatorname{sh} \sqrt{x} - \operatorname{ch} \sqrt{x} \right)$ [9;15], h=0.2
15-a	$1! + 2! + 3! + \dots +$	15-b	$y = x - e^x - \ln \sqrt{1+x^2}$ [-5;5], h=0.5

16.N –бутун сон. k катталилга шу сонни ташкил этувчи рақамлар йиғиндисини ўзлаштиринг .

17.N- натурал сон.Унинг туб булувчилари сонини аниқланг.

18.N- натурал сон берилган .Унинг рақамлари йиғиндисини топинг.

19. N та ҳақиқий сон берилган. Уларни орта бориш тартибида жойлаштиринг.
20. Барча уч хонали натурал сонлардан рақамлари йиғиндиси берилган n ($1 \leq n \leq 27$) га тенгларини чоп этинг.
21. N- натурал сони берилган. Унинг квадрати таркибига 3 рақами кириши ёки кирмаслигини аниқланг.
22. Кетма-кетлик қуйидаги тартибда яратилган. 1,3,5,7,9,10,12,14,16,... яъни натурал сонни ташкил этувчи рақамлар йиғиндиси тоқ булса, кетма-кетлик таркибига киритилган. Шу кетма-кетликдаги 10,15,2008 ўриндаги рақамларни аниқланг.
23. Берилган n ($n > 10$) сонидagi, биринчи ва охирги рақамлари ўрнини алмаштириш ва натижани чоп этиш дастурини тузинг.
24. Берилган n ($n > 10$) натурал сонини рақамларини тескарисидан ёзиб, янги сон ҳосил қилинг.
25. a_{ij} ($i=1,2,\dots,m; j=1,2,3,\dots,n$) матрица элементлари тасодуфий яратилган бутун сонлардан иборат. Матрица элементларини Stringgrid жадвалида акс эттирувчи дастур яратинг.
26. Кронекер симболи қуйидагича аниқланади: матрица элементларини аниқловчи индекслар ўзаро тенг ҳолда 1-га, аксинча 0-га тенг. Шу элементдан фойдаланиб Е-бирлик матрицасини яратувчи ва уни тасвирловчи дастур яратинг.
27. a_{ij} ва b_{ij} ($i=1,2,\dots,m; j=1,2,3,\dots,n$) матрицалар элементлари тасодуфий яратилган бутун сонлардан иборат бўлса, қуйидагиларни яратиш ва чоп этиш дастурини яратинг.
- 1) $C=A$;
 - 2) $C=A+B$;
 - 3) $C=A-B$;
 - 4) $C=d*A$; (d -бутун сон)
 - 5) $C=A*B$
28. a_{ij} ($i=1,2,\dots,m; j=1,2,3,\dots,n$) матрица учун транспонирланган матрица яратинг ва ҳар икки матрицалар элементларини ҳам чоп этувчи дастур яратинг.
29. Юқори ва қуйи учбурчакли матрицаларни акс эттирувчи дастур яратинг.

$$T = \begin{bmatrix} t_{11} & t_{12} & \dots & t_{1n} \\ 0 & t_{22} & \dots & t_{2n} \\ 0 & 0 & \dots & t_{mn} \end{bmatrix}$$

$$T = \begin{bmatrix} t_{11} & 0 & \dots & 0 \\ t_{21} & t_{22} & \dots & 0 \\ t_{n1} & t_{n2} & \dots & t_{nn} \end{bmatrix}$$

30. $x = \{x_1, x_2, \dots, x_n\}$ ва $y = \{y_1, y_2, \dots, y_n\}$ векторлар берилган бўлса, қуйидаги векторлар аниқлансин.

1) $x+y$

2) $-x-y$

3) $x-y$

Вазифаларни гуруҳ талабалари орасида тақсимланиши:

Талаба (№)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Вазифа номери	1, 16	2, 17	3, 18	4, 19	5, 20	6, 21	7, 22	8, 23	9, 24	10, 25	11, 26	12, 27	13, 28	14, 29	15, 30

6-лаборатория иши

Мавзу: Дастур тузиш муҳитининг асосий компонентларининг хоссалари.

Мақсад: Талабаларни Delphi дастурлаш тилининг компонентлари билан таништириш, улардан дастур тузишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

Асосий воситалар: Компьютерлар ва проектор, тарқатма материаллар.

Лаборатория ишини ўтказиш тартиби:

1. Талабаларни назарий материаллар билан таништириш.

Delphi дастурлаш тили тез дастур тузиш тизимларига мансуб бўлиб, жуда қизиқарли ва аҳамиятга молик бўлган визуал компонентлар қутубхонасига эга. Бу компонентлар дастурчи иш фаолиятида қатор қулайликлар яратади. Компонентлар тузилиши ва қўлланилиши бўйича оддийдан то мураккаб вазифаларни бажаришга мўлжалланган. Агарда бирор функцияни бажарувчи компонент Delphi қутубхонаси таркибида мавжуд бўлмаса, бу компонент Delphi воситалари ёрдамида яратилиши ёки бевосита Internet орқали олиниши мумкин. Шунингдек, содда дастурлар тузиш учун форма, лойиҳа ва модул структураси, дастур элементлари, типлар, Delphi дастурлаш тилининг операторлари, массивлар ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштириш шарт. Қуйида ListBox компоненти ёрдамида компонентлардан фойдаланиш йўллари кўриб ўтамиз:

	Компонентнинг кўриниши (Standard бўлимида жойлашган).
Name	Компонентнинг номи ва у дастурда компонент хоссаларидан фойдаланиш учун ишлатилади.
Items	Рўйхат элементлари
ItemIndex	Рўйхатнинг танланган элементи тартиб рақами ва биринчи элементнинг тартиб рақами нольга тенг
Left	Компонентнинг чап чегарасидан форманинг чап чегарасигача бўлган масофа
Top	Компонентнинг юқори чегарасидан форманинг юқори чегарасигача бўлган масофа
Height	Компонентнинг баландлиги
Width	Компонентнинг кенглиги
Font	Рўйхатнинг элементларини акс эттирувчи шрифт

2. Форма учун қуйидаги процедуранинг аниқланг:

```
procedure TForm1.FormCreate(Sender: TObject);
```

```
begin
```

```
  ListBox1.Font.Size:=18;// Рўйхатдаги шрифтнинг ўлчами
```

```
  listBox1.Font.Color:=clred; //Рўйхатдаги шрифтнинг ранги
```

```
  listBox1.Items.Add('Mediana');//Рўйхатнинг биринчи элементи
```

```
  listBox1.Items.Add('Bissektrissa');//Рўйхатнинг иккинчи элементи
```


```
  listBox1.Items.Add('vatarga perpendikulyar diametr xossasi');// Рўйхатнинг учинчи элементи
```

listbox1.Items.Add('Burchak bissektrissasining xossasi');// Рўйхатнинг тўртинчи элементи

listbox1.Itemindex:=0; end; end.

Мазкур процедура форма учун яратилади, яъни формага ListVox компоненти ўрнатилади ва у дастур бажарилиши билан фойдаланувчига қуйида кўрсатилган рўйхатни тавсия этади. Эслатиб ўтиш лозимки бу рўйхатни давом эттириш мумкин ва кейинги босқичда рўйхат элементини танлаган фойдаланувчи элементнинг хоссалари ёки хоссанинг график кўриниши билан танишиши лозим.

Иккинчи босқичда формага -Button компонентини жойлаштирамиз ва унинг учун қуйидаги процедурани аниқлашни йўлга қўямиз:



```
procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
var xossa:string;
begin image1.Hide;
case ListBox1.ItemIndex of
  0: xossa:='Uchburchakning qarshi tomonini teng ikkiga bo"luvchi kesma';
  1: xossa:='Uchburchakning tegishli burchak qiymatini teng ikkiga bo"luvchi kesma';
  2: xossa:='vatarga perpendikulyar diametr vatarni va diametrni teng ikkiga bo"ladi';
  3: xossa:='Burcak bissektrissasining ixtiyoriy nuqtasidan uning tomonlarigacha bo"lgan masofa tengdir';
end; label1.Font.size:=10; Label1.caption:= xossa; end;
Шунингдек, рўйхатнинг ҳар бир элементи учун расмлар тайёрлаб, қўйидаги процедура ёрдамида дастур имкониятларини кучайтириш мумкин.
procedure TForm1.Button2Click(Sender: TObject);
begin
image1.Show; case ListBox1.ItemIndex of
0:form1.Image1.Picture.LoadFromFile('c:\12.bmp');
1:form1.Image1.Picture.LoadFromFile('c:\12.bmp');
.....
end;end.
```

3. ComboBox компоненти хосаларини ўрганиш учун қуйидаги дастурни лойихалаштириш ва бажариб хулосалар чиқариш тавсия этилади.

```

procedure TForm1.Button1Click(Sender: TObject);
var x,y,z:real;
begin
x:=strtofloat(edit1.text); y:=strtofloat(edit2.text);
case combobox1.itemindex of
0: z:=x+y;
1: z:=x-y;
2: z:=x/y;
3: z:=x*y; end;
if combobox1.itemindex =0 then
label1.caption:=Label1.Caption+'summasi='+floattostr(z)+'13
else if combobox1.itemindex =1 then
label1.caption:=Label1.Caption+'ayirmasi='+floattostr(z)+'13
else if combobox1.itemindex =2 then
label1.caption:=Label1.Caption+'bo"linmasi='+floattostr(z)+'13
else
if combobox1.itemindex =3 then
label1.caption:=Label1.Caption+'ko"paytmasi='+floattostr(z)+'13;
end;end.

```

Мустақил ишлаш учун вазифалар.

1. Киритилган N натурал сон учун унинг туб бўлувчиларини аниқлаш дастурини тузинг.
2. 1 дан 1000 гача бўлган туб сонларни аниқловчи дастур тузинг.
3. Барча уч хонали сонлардан 7-рақами қатнашувчи ва 7-га бўлинувчиларини аниқловчи дастур тузинг.
4. 25 та натурал сонни тасодуфий ҳолатда яратинг ва уни 5×5 ўлчамдаги StringGrid компонентининг ячейкаларига жойлаштиринг.
5. 25 та натурал сонни тасодуфий ҳолатда яратинг ва уни 1×25 ўлчамдаги StringGrid компонентининг ячейкаларига орта бориш тартибида жойлаштиринг.
6. 1 дан 10 гача бўлган ўнли касрларни тасодуфий яратиб, уларни фойдаланувчидан икkitасини суммасини киритишни (25 маротаба) талаб этувчи ва «5» балли тизимда баҳолаш дастурини тузинг.
7. 100 та тасодуфий яратилган сонларнинг $[a,b]$ оралиқга тегишлиларини чоп этувчи дастур яратинг.
8. $\sqrt{2 + \sqrt{2 + \dots \sqrt{2}}}$ -ифода қийматини ҳисоблаш дастурини тузинг.
9. $E(x,y)$ нуқтанинг маркази $(-5;5)$ да жойлашган ва радиуси 20 га тенг айланага нисбатан қандай жойлашганлигини аниқлаш дастурини тузинг.
10. Учта тўғри чизиқлар қуйидагича берилган: $a_k x + b_k y = c_k$ ($k=1,2,3$). Агар бу тўғри чизиқлар ўзаро кесилиб учбурчак ҳосил қилишса бу учбурчак юзасини аниқланг.
11. Барча тўрт хонали сонлардан 17-га бўлинувчи, аммо 3,5,7 ларга бўлинмайдиганлари аниқловчи дастур тузинг.

12. $y = \sin x + \sin 3x + \dots + \sin 101x$ функция қийматини ҳисоблаш дастурини яратинг.
13. label, Edit компонентларидан фойдаланиб, $Y = \frac{rx^2 - a^x}{\log_5(x+5)}$ функция қийматини ҳисоблаш дастурини тузинг.
14. Тармоқланиш операторлари ёрдамида, берилган N сони учун $W = 1^2 + 2^2 + 3^2 + \dots + (N-1)^2$ ни ҳисоблаш дастурини тузинг.
15. $SS = \frac{x^3}{3!} - \frac{x^6}{6!} + \frac{x^9}{9!} - \dots - \frac{x^{3n}}{(3n)!}$ ни ҳисобланг (x -ҳақиқий, n -натурал сон).

Вазифаларни гуруҳ талабалари орасида тақсимланиши:

Талаба (№)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Вазифа номери	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

№7 -лаборатория иши

Мавзу: Delphi дастурлаш муҳитида функция ва процедуралардан фойдаланиш.

